# Qishloq hayoti

2012 йил

Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 19-APREL, PAYSHANBA, 47 (7974) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 67 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:***

**1.** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

**2.** Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

**4.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

**5.** Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 18 апрель*



## ИСТЕЪДОД ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР



*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилоятида изчил ишлар амалга оширилмоқда.*

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада педагогик кадрларни тайёрлаш ишини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш, мусиқа мактабларини ўқув қўлланмалари, чолғу асбоблари билан таъминлаш борасидаги тадбирларнинг изчил бажарилишини Ғузор туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу масканда 120 нафар ўғил-қиз санъат сирларини ўрганмоқда. Бу ерда ёшларга қашқар рубоби, доира, ғижжак, фортепиано, баян-аккордеон, тасвирий санъат, миллий рақс, анъанавий хонандалик каби йўналишлар бўйича таълим берилади.

— Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида мусиқий таълимнинг аҳамияти беқиёс, — дейди мактаб директори Эргаш Шобердиев. — Юртбошимизнинг бу соҳага кўрсатаётган эътибори туфайли мактабимиз тарбияланувчилари замонавий, барча шароитларга эга бинода таълим олиш имкониятига эга бўлди. Шинам, кенг ва барча қулайликлар яратилган хоналардаги муҳит уларнинг ижодий қобилиятини янада шакллантиришга хизмат қилаётир.

**СУРАТДА:** *мактаб тарбияланувчиси Асилбек Йўлдошев.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**


## САҲИФАЛАРДА:



ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ, ХАВФСИЗ 2

СОХТА «АТТОРЛАР»



3



ҚИШЛОҚДА БИР КУН 8

# ФАРМБОЗОР ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Аҳолининг сифатли дори-дармонга бўлган талабини қондириш масалалари, импорт қилинаётган дори маҳсулотлари назоратини таъминлаш, қалбаки дори маҳсулотларига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бир неча турдаги дори воситаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши ҳамда уларнинг истеъмолга киритилиши, қолаверса, хорижга экспорт қилиниши ана шундай ишларнинг амалий самарасидир. Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтда 2 та фармацевтика корхонаси томонидан 20 турдаги дори воситаси ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 127 та корхона томонидан 1127 турдаги дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда. Булардан 19 та фармацевтика корхонаси халқаро сифатни бошқариш тизими ISO 9001 ва GMP сертификатларига эга бўлган корхоналардир. Маҳаллий корхоналардан 17 таси ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилмоқда. Юртимиз олимлари томонидан 30 турдан ортиқ оригинал дори воситаси яратилиб, экспорт қилинмоқда. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мазкур дори воситалари маҳаллий хомашёлар, доривор ўсимликлар асосида яратилмоқда.

Сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар дори воситалари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, уларни сақлаш, ташиш, сотувга чиқариш, қўллаш ва бошқа босқичларни меъёрлаштириш ҳамда мунтазам равишда такомиллаштириб бориш соҳада қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва мамлакатимизга импорт қилинаётган дори воситалари белгиланган тартибда лаборатория таҳлилларидан ўтиб, мувофиқлик сертификати берилгандан кейингина сотувга чиқарилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 июндаги "Тиббиёт муассаларини дори воситалари билан таъминлаш назоратини ва муомалага сифатсиз ва қалбакилаштирилган тиббиёт маҳсулотларини кириб келишини олдини олишга қаратилган ишларни тизимга солиш бўйича чора-тадбирлар режаси"га мувофиқ республикадаги ваколатли ташкилотлар томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада яроқлилик муддати тугаган, сифатсиз, мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар аниқланиб, тегишли чоралар кўришга эришилмоқда.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Дилафрўз ҒАЙБИЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




# ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ, ХАВФСИЗ

## ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР ҚАТНОВИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ХИЗМАТ СИФАТИ ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА

**Мамлакатимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ соҳага оид қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.**

Жумладан, йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари жорий қилиниши, уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши ва амалиётга киритилиши, таксиларнинг ташқи кўриниши ҳамда ички ахборот жиҳозланиши, такси ҳайдовчилари учун қўйиладиган талаблар бу борадаги ишларнинг дебочасидир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ташкил этилган "Мамлакатимизда йўналишсиз такси қатновларини тартибга солиш борасидаги устувор вазифалар, амалиёт ва тажрибалар" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Анжуманда таъкидланганидек, ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, йўловчиларни таксида ташиш билан шуғулланувчи барча ташувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, йўналишсиз таксилар Тошкент шаҳрида фил суяги рангида, республикамизнинг бошқа ҳудудларида сариқ рангда бўлиши, томига тўқ сариқ рангли, халқаро миқёсдаги тушунарли бўлган "TAXI" ёзуви туширилган фонар ўрнатилиши, махсус серияга кирувчи давлат рақами белгиси ҳамда салонда ҳайдовчи ва корхона тўғрисида маълумот бўлиши лозим. Таксиларнинг таксометр билан жиҳозланиши ҳам белгилаб қўйилган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 11 мингга яқин автотранспорт воситаси талаб доирасида жиҳозланган ва махсус серияли давлат рақами билан таъминланган. Бундан ташқари, йўналишсиз таксилар учун 200 га яқин махсус тўхтаб туриш жойлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Ахборотлашув имкониятини янада ошириш мақсадида "SMS орқали маълумотлар базаси билан алоқа" интерфаол хизмати ҳам жорий қилинган.

Тадбирда агентликнинг турли йўналишлари бўйича мутасаддилари ва мутахассислари иштирок этди. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

Бухоро Вилояти

# ҚОРАКЎЛ ЛИМОНЛАРИ

**Қоракўл туманидаги “Тўхта Қори” деҳқон хўжалиги иссиқхонасида етиштирилаётган лимон ва полиз маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.**

Уч йил олдин хўжалик раҳбари Рамазон Тангриев иссиқхонага 20 туп лимон кўчати эккан эди. Бу йил улар нишона ҳосилини берди. Хўжаликдаги юз қутидан ортиқ асалари, бир гектар боғ ҳам яхши даромад келтирмоқда.



**СУРАТДА:** *"Тўхта Қори" деҳқон хўжалиги раҳбари Рамазон Тангриев иссиқхонада.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

▼ **ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**



# ФИРИБГАРЛИК ФОШ БЎЛДИ

**Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар олиб борияпти. Уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида банклар томонидан кўплаб имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Ислоҳотлар — белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш соҳада фаолият юритаётган мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Эришилаётган ютуқларда молия муассасалари, шу жумладан, банк ходимларининг ҳам ҳиссаси катта. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ҳам хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганлар учраб турибди.**

ОАТБ "Агробанк"нинг Фарғона вилояти Данғара тумани филиали кредит бўлими бошлиғи Ҳусниддин Қурбонов бировнинг дўпписини бировга кийдириб, пул топмоқчи бўлганлардан. Лекин ҳар қанча устамон бўлмасин, мақолда айтилганидек: "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" экан.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК (Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш) Департаменти Фарғона вилояти Данғара тумани бўлими томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар давомида фермерлардан келиб тушган шикоятлар ҳам кўриб чиқилди.

Натижада Ҳ.Қурбоновнинг кирдикорлари фош бўлди. Мазкур шахс 2007-2008 йиллар мобайнида тумандаги "Рустамжон Акбарали ўғли" фермер хўжалиги раҳбарининг ишончига кириб, унинг ҳисобрақамидан "Замин Мўъжиза саховати" фермер хўжалиги ҳисобрақамига 3735 минг сўм, "Отабой савдо" ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобрақамига 3050 минг сўм ҳамда "Тараққиёт" фермер хўжалиги ҳисобрақамига 800 минг сўм, жами 7585 минг сўм пул маблағларини ҳеч қандай шартнома тузилмаган ҳолда, аслида бажарилмаган, техника ишлари учун деб, тўлов топшириқномаларига сохта ёзувлар киритиб, ўтказиб юборган ва кейинчалик бу пулларни ўзлаштириб юборган.

Юзага келган камомадни ёпиш учун эса "Данғара Ҳосилоти" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Ашрабхоновдан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўш ҳолатдаги тўлов топшириқномаларини олиб, хўжалик ҳисобрақамидан "Рустамжон Акбарали ўғли" фермер хўжалиги ҳисобрақамига 1980 минг сўм пул маблағларини ўтказиб юборади. Маълум вақтдан сўнг эса бу маблағнинг бир қисмини яна қайтиб жойига қўяди. Хуллас, "банкир"нинг бундай ўйинларидан "Данғара ҳосилоти", "Ферузахоним" каби яна бир қанча фермер хўжаликлари ҳам азият чекди.

Жумладан, Ҳ.Қурбонов "Ферузахоним" фермер хўжалиги ҳисобрақамидан хўжалик раҳбарининг хабарисиз 11 миллион сўм пул маблағларини турли хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиб, ушбу ўтказилган маблағларнинг 5 миллион сўмини ўзлаштириб юборган.

Ҳ.Қурбонов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, "Рустамжон Акбарали ўғли" ва "Ферузахоним" фермер хўжаликларининг жами 16 миллион 192 минг 240 сўм миқдоридаги пул маблағларини, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ўзлаштириб юборган.

Халқимизда шундай ибора бор: Қинғир ишнинг қийиғи чиқади. Ўзини устамон деб билиш Ҳ.Қурбоновни суднинг қора курсисига олиб келди. У суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра, айбдор деб топилди. Қилмишига яраша жазо олди.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Фарғона вилояти Данғара тумани бўлими ходими.**

# Сохта «атторлар»

**Косметика ва парфюмерия воситаларининг бозори ҳамиша чаққон ҳисобланади. Бундан эса сохта "тадбиркор"лар мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринишади. Аммо ташқи гўзаллик учун хизмат қилувчи парфюмерия ва косметика воситаларининг таркибида кимёвий моддалар жуда катта миқдорни ташкил қилишини, боз устига, уларнинг янада зарарли ҳисобланган қалбаки ва контрафакт нусхалари ёйилаётганлигини инобатга олсак, мазкур масаланинг янада жиддий таҳдид эканлигини англаш қийин эмас.**




Республикамиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган бу турдаги маҳсулотларнинг олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан фуқаро З.Б. бошқарувидаги "Жигули" русумли автомашинаси божхона кўригидан ўтказилганда, автомобиль салонида тегишли ҳужжатлари бўлмаган 500 донадан ортиқ парфюмерия воситалари ноқонуний тарзда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Ноқонуний йўллар билан олиб кирилган, табиий-ки, тегишли ҳужжатлари ҳам бўлмаган мазкур атторлик молларининг умумий қиймати 3 млн. сўмни ташкил қилади.

"Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонида "Алмата-Нукус" йўналишидаги поезд йўловчиларидан бири қўшни давлат фуқароси М.Б.нинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, у божхона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилмасдан туриб, қиймати 2 млн. сўмдан ортиқ 67 дона парфюмерия воситаларини ноқонуний тарзда олиб ўтишга уринганi фош қилинди.

Москвадан қайтган йўловчи поездида эса божхоначилар фуқаро Н.М.нинг қиңғирликларига нуқта қўйишди. Бу аёл қиймати 1.7 млн. сўмлик 400 донадан ортиқ парфюмерия ва косметика маҳсулотларини яширин тарзда олиб киришга уринган.

Пойтахт божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда Шайхонтоҳур туманида фуқаро Р.Д.нинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, бу ерда қиймати 7 млн. сўмдан ортиқ 41 турдаги "Oriflame" бренди остида ишлаб чиқарилган парфюмерия маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур туманда истиқомат қилувчи фуқаро З.А. ҳамда Олмазор туманида фуқаро Р.М.нинг хонадонлари ҳам амалдаги тартибларга мувофиқ холислар иштирокида кўздан кечирилганида, бу ерда божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 5,5 минг донадан ортиқ бир неча турдаги косметика ва парфюмерия воситалари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош қилинди. Аниқланишича, умумий қиймати салкам 36 млн. сўмни ташкил қилувчи мазкур товарлар "Oriflame" бренди остида хорижда ишлаб чиқарилган ва муқаддам айланма йўллар орқали майда туркумларда республикамиз ҳудудига олиб кирилган.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан тергов олди текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2011 йилда аниқланган 894 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 2,3 млрд. сўмлик, жорий йилнинг дастлабки чорагида эса 173 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Тошкент шаҳар
божхона бошқармаси
Ахборот хизмати**

Сирдарё Вилояти

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижаларига бағишланди.**

Унда сўзга чиққанлар юқоридаги қонуннинг ижроси бўйича вилоят маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан муайян ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтдилар. Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ахборот излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини, ахборот эркинлигининг асосий принципларидан бўлмиш очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг веб-сайти ишлаб турибди. Шунингдек, вилоят адлия, давлат солиқ, давлат мулк бошқармалари, А.Навоий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят архив иши бошқармаси ва Гулистон давлат университетлари ҳам интернетда ўз веб-сайтларига эгалар.

Бугунги кунда вилоятда 33 та интернет-кафе фаолият юритмоқда. Улар томонидан 1750 та давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектларга интернет хизмати кўрсатиб келинмоқда. Вилоятда ушбу хизматдан фойдаланувчилар сони 81 мингтадан ошди. Жойлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг аксарияти "Ziyonet" тармоғига уланган.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**




# Кўнгилга яқин битиклар

Яхши китоб билан учрашув китобхон учун маънавий байрам бўлиши, шубҳасиз. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг "Тонг туҳфалари" деб номланган янги китоби сизга ана шундай завқли онларни туҳфа этади. Мазкур китобда муаллифнинг болаликдаги беғубор дамлари акс этган бадиа, эсселар, ўсмирликнинг ўйчан фаслларида хотирага муҳрланган ҳамқишлоқлари ҳақидаги гўзал лавҳалар ўрин олган.

Ижодкор замондош аёлларининг дунёсини, уларнинг муаммоларини қаламга олади. Зиёли, ижодкор, фаол аёл сифатида бу муаммоларга ечим излайди. Шунингдек, "Тонг туҳфалари"да ана шу жараён, кайфият самараси ўларoқ яратилган бадиий, публицистик мақолалар, шоирининг устозлари, ҳаёт йўлларида қўллаган, йўлдош бўлган азиз инсонлар ҳақидаги хотиралари жамланган. Янги китоб кўнглингизга яқин дўст сифатида кириб боришига ишонамиз.

**■ Ойдин ҲОЖИЕВА,**
*Ўзбекистон халқ шоираси*

# Чироқ

Қишлоғимизда иккита нўғай бобо бўларди: Салой бобо, Қурамшин бобо. Салой бобо байрамларда ҳамманинг уйларини, ташқари деворларини оқлаб, чиройли қилиб берарди. Хизмат ҳақига фақат тушлик: нон ва туршак, жийда олади. Ўзига тўқроқлар лавлаги ва обиноввот билан сийлашарди. Қурамшин бобо гўлабирдан келган оппоқ киши эди. Яшил бахмал дўппи кийиб юрарди. Хожайи Бўстон мозористонига туташиб кетган чорбоғлин ҳовлилар орасида керосинхона бўларди. Керосинхона ертўла эди. У қишин-ёзин ана шу ерда керосин сотиб кун кечирарди. Мен ҳар ҳафта катта челак билан керосин олишга борардим. Айниқса, бозор кунлари навбат кўп бўларди.

Кимдир челагини, кимдир биттагина каттароқ тошни навбат белгиси қилиб қўйиб кетишарди. Чошгоҳда Қурамшин бобо эринмай салобат билан эртаклардан чиққан қаҳрамонлардай сипо юриб келарди. Кўк сатин халатини ечиб, эшик кесакисига қоқилган михга илиб қўярди. Катта қалин пешбандини охиста тақиб оларди.

Темир бочкаларда тўла керосин, атрофи қум билан тўлдирилган. У ёғоч тўнкага ўтириб олиб, катта чўмичини айлантириб, керосин беришдан олдин ҳаммага бир-бир қараб оларди.

— Келигиз, — дерди у вазмин товушда.

Одамлар жимгина челак тўлдириб керосин олиб кетишарди. Менинг челагим катта эди. Тўлдириб керосин қуйилгач, Қурамшин бобо ерга эгилиб уч-тўртта пайраҳани олиб, челагимга солиб қўярди.

— Чайқалиб, тўкилмайди. Дам олиб, дам олиб кўтар, чироғим, — дерди меҳрибонлик ила...

Мен бир чақирим келадиган чорбоғ ичидан ҳансираб керосин кўтариб ўтаман. Дарахтлар шовуллаб туради. Йўлимдаги Дўрмон ариқ, Катта ариқ шовуллайди. Хўвлолар хуш бўй сочади. Акас дарахтлар сочлари янги ўримга кирган қизчаларникидай "мунчоқ"ли кокилларини шилдиратади. Мен челакни гоҳ у қўлимга, гоҳ бу қўлимга ўтказаман. Ҳар гал бир томонга майишиб, икки этагимга керосин ҳиди уриб дарвозадан кириб келаман.

— Келдингми, дарди балонгни олай. Елкагиналаринг узилиб тушай дебдику, — онам қўлимдан челакни оладилар…

Ўчоқ бошида қатор чироқлар турадu: ўнинчи, еттинчи чироқлар. Тандир



кифтида эса оппоқ нурдай чарақлаб лампа шишалар терилиб қўйилган. Онам чироқларни ялтиллатиб, пиликларнинг "куйган" тилларини қайчилаб, лампани мойга тўлдирадилар. Аста-аста уларни ёқиб, лампа шишани қўядилар. Кичкина қасрчада мўъжиза пиликнинг тиллари нур соча бошлайди. Пиликнинг тилларидан мўъжиза пайдо бўлади.

Меҳмонхонага ўнинчи чироқни олиб кираман. Еттинчи чироқ эса овқатланадиган хонамизга киради. Ўнинчи чироқни онам шифтга илиб қўядилар. Пиликнинг дуди шифтни қорайтирмасин учун чироқ тепасига оқ қоғоздан соябонча ҳам ўрнатадилар.

Сандал атрофида ўтириб овқатланиб бўлгач, чироқ атрофида парвоналардай тизиламиз. Онам топишмоқ айтадилар:

***Тош ҳовуз,***
***Суви рангдор.***
***Бурама илон,***
***Гули хандони бор.***

— Чироқ, керосин, пилиги, олови, — деймиз.

Сўнг онам эртак бошлайдилар.

Бизнинг шу оддийгина чироғимиз сеҳрли чироқдай эртаклар дунёсига, офтоб сира ботмайдиган, ойлари ўн тўрт ёшлик қиздай кулимсираб турадиган ўлкаларга элтади.

Чироқ туни билан бошимизда милтиллаб нур сочади.

Осмон фонарийдай.

Чироқ пилигини пасайтириб онам аста чиқиб кетадилар. Фонарчанинг бир тилик нури пилладай сариқ, у шуъла онам билан ҳамроҳ юради. Сандалнинг кодокларида ғужанак бўлиб ухлаб қоламиз. Бошимизда икки нур, икки фаришта шуъласи уйғоқ туради: бири чироқ нури, бири онагинамнинг бедор меҳрлари.

Йиллар шамолида унут бўлган хотиралар. Зах ертўлада одамларга керосин улашаётган Қурамшин бобонинг вазмин нигоҳлари. Бир чақиримлик йўл. Ҳар ҳафта бир челак керосин кўтариб бораётган қизалоқ. Байрамларда уйларнинг қанотини, деворлар кифтини оқартириб юрган Салой бобо.

Балки одамзод қалбида нур бўлмаганида, чироқ ҳам бўлмас эди. Хотира чироқлари ўчмай ёниб турган давлат экан.

# ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

**Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури ижросини таъминлаш ҳамда 2009-2011 йилларда балиқчиликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бажарилиши таъминланмоқда.**



2011 йилда 2339 та автотранспорт воситасини газ ёнилғисига ўтказиш натижасида атмосферани ифлослантирадиган зарарли моддалар миқдорини 1008,1 тонна камайишига эришилди. Орол денгизининг қуриган ҳудудидаги 7469 гектар майдонга саксовул, черкес, қандим каби ўсимликлар экилди. Балиқчиликни ривожлантириш мумкин бўлган кўлларга йил давомида 1468,4 миллион куб метр дарё ва коллектор сувлари туширилди.

Халқаро Оролни муҳофаза қилиш жамғармаси Нукус филиали Ижроия қўмитаси томонидан ҳудудда экотизимни тиклаш, экологик вазиятни соғломлаштириш орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантириш, Орол денгизининг қуриган тубида атмосферага кўтариладиган туз-чанг миқдорини камайтириш мақсадида Амударё дельтасида маҳаллий сув ҳавзаларининг II навбатини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунга қадар 2,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан Тахиатош ГЭСида конденсат тозаловчи ускуна ўрнатилди.

Устюрт геофизика экспедицияси, Устюрт қидириш ва бурғилаш бошқармаси томонидан нефть ва газ қидириш ишлари учун фойдаланилган 37,1 гектар майдонда техник рекультивация — қайта тиклаш ишлари олиб борилиб, ерлар аввалги ҳолатига келтирилди. Мазкур дастур талабининг бажарилишига 7 миллиард сўм ва 30 миллион АҚШ доллари сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 февралдаги "2009-2011 йилларда республикада балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар" Дастури ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган ишчи комиссия томонидан балиқчилик аҳамиятига эга кўллар инвентаризациядан ўтказилиб, майдони 76764 гектар табиий кўллар 88 та хўжаликка 10 йил муддатга шартнома асосида ижарага берилди. "Нукусбалиқ" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида, Тўрткўл туманидаги "Антиқа" фермер хўжалигида ишга туширилган инкубацион цехларда 11 миллион дона балиқ чавоқлари тайёрланиб, хўжаликларга етказиб берилди. Ўтган йил мобайнида 1054 тонна балиқ овланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида "Амударёнинг сувни муҳофаза қилиш зонасини белгилаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда 2008-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланган. Қўмита томонидан Амударё, Беруний ва Тўрткўл туманлари ҳокимликларига сувни муҳофаза қилиш ҳудудида жойлашган объектларни кўчириш бўйича тавсия берилди. Ўтган йили ва жорий йилнинг шу кунига қадар 12 объект кўчирилди.

Сўнгги йилларда Оролбўйида нефть-газ захираларини қидириш, бурғилаш, қайта ишлаш бўйича кўплаб чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Жумладан, "CNPC Silk Group LLC", "China Road and Bridge Corporation", "Korea Gas Corporation", "Daewoo Energy Central Asia", "Lanextrakt", "Karbalt-Rytoil", "Kossor Operating Company", "Aral See", "Зарубежнефтегаз" каби корхоналар фаолият олиб бормоқда. Ушбу чет эл корхоналарининг иш фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни ва ҳукумат қарорлари талабининг бажарилиши юзасидан доимо мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили улар томонидан фойдаланилган 53,6 гектар майдонда техник рекультивация ишлари қилинди ва ерлар дастлабки ҳолатига келтирилди.

Оролбўйида юз бераётган экологик вазиятни соғломлаштириш, биохилма-хилликни тиклаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш бўйича 4 та экологик лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, "Амударё дельтасида тўқайларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш" лойиҳасини амалга ошириш борасида Қуйи Амударё давлат биосфера резерватини ташкил этиш бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланди. "Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларида таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлаш" лойиҳаси доирасида Мўйноқ тумани Казакдарё овул фуқаролар йиғини ҳудудида чўл дарахтларининг ҳудуд иқлим шароитига чидамлилиги ва уларнинг қумларни тўхтатиш имкониятини аниқлаш ишлари олиб борилди. Овул фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида ўтказилган "Энг яшил ҳовли" танлови иштирокчилари учун 200 дан ортиқ мевали дарахт кўчатлари тарқатиб берилди. Шунингдек, топинамбур, Африка соргоси каби шўрга чидамли озиқ-овқат ва ем-хашакбоп экинлар тажрибадан ўтказилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Глобал Экологик Жамғармаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иштирокида "Ўзбекистоннинг нефть ва газ тармоғига биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини интеграциялаш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси дренаж лойиҳаси доирасида Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари ҳудудида 100 минг гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш борасида 276 километр узунликдаги магистрал коллекторларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, 272 километр хўжаликлараро коллекторлар тозаланиб, 1475 гектар ер майдонида лазерли текислаш, 4433 гектар майдонда чуқур шудгорлаш ишлари амалга оширилди. 610 та гидротехник иншоот қурилиб, сувни тақсимловчи мосламалар ўрнатилди. Лойиҳани амалга оширишга 30,2 миллион АҚШ доллари сарфланди.

— Мазкур кенг қамровли ишлар Мустаҳкам оила йилида ҳам давом эттирилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг илмий-техник тараққиёт ва тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Тенелбой Мирзабаев. — "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун талабининг ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қоида бузилишининг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида қўмита қошида "Ишонч телефони" ишлаб турибди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар ойнинг учинчи ўн кунлигининг сешанба куни "Очиқ эшиклар куни" деб белгиланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



## ЎСИМЛИКЛАР ҲОЛАТИ — ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИСИ

*** Гуллар одатдагидан кўпроқ ҳид тарата бошласа, ёмғир ёғишидан далолат.**

* Агар капалакгул, айиқтовон, ачамбити, дасторгул, гунафша, бешбарг кеч кузгача гулласа, куз иссиқ келиб, ҳадеганда қиш бошланавермайди.

*** Карнайгул шом кирмай очилса, кечаси аёз бўлади.**

* Чиннигул ўзидан ёқимли ҳид таратса, шамол бўлади.

*** Учқат ёмғир ёғиши олдидан ёқимли ҳид таратади, қурғоқчилик олдидан бутунлай ҳидини йўқотади.**

* Бинафшанинг нафис танаси ер бағирлаб эгилса, ҳаво айниб, ёғингарчилик бўлиши мумкин.

*** Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш чарақлаб турганда момоқаймоқнинг гулсаватчалари юмилса, ёмғир ёғишидан нишонадир.**

* Ҳавонинг авзойи бузуқ кўринсада, лекин момоқаймоқнинг тилларанг гуллари ўзларини намойиш этиб тураверса, ёғингарчилик бўлмайди.

*** Йўнғичқа гули ёки қоқигул юмилса – ҳаво айнийди.**

* Қашқарбеданинг тилларанг-сариқ гулларидан ёки унинг поясидан хушбўй ҳид таралadиган бўлса, ёмғир ёғиб, жала қуйиши мумкин.

*** Агар қизил беда нозикниҳол қоматини тик тутса, шамол бўлади.**

* Қоқиўт кўзининг юмилиши ёмғир аломатидир.

**Н.САПАЕВА тайёрлади.**





## Тулки ови

**Саҳро, тоғолди ва тоғларда ҳаёт кечирувчи тулкилар қиш ойларидан ташқари асосан тунда овга чиқади. Овда тулкилар учун айёрлик, эпчиллиги билан бирга товушни тез илғаш, ҳид билиш сезгиларининг таъсирчанлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

Олдинда она, кейин ота тулки, орқадан болалари юришади. Тўда биргаликда ов қилади. Ота тулки қўриқчилик қилганда, она тулки ов билан машғул бўлади. Уларнинг увиллаши тарқалиб кетган галани қайта бирлаштиради.

Бир куни ферма мудири овчи Носир амакига тоғ тулкиларининг деярли ҳар куни товуқларга ҳамла қилаётгани ҳақида нолиб қолди. Қиш бошланганди. Тоғ ёнбағирлари ва паст текисликлар оппоқ қорга бурканган. Олдинда қорли чўққилар ястаниб ётарди.

Носир амаки фермага ўзи билан моҳир овчи Давлатбойни эргаштириб келди. Кейин ферма мудири унга тулки юрадиган йўлларни бирма-бир кўрсатиб чиқди. Овчилар теварак-атрофни синчиклаб кузатди. Билишдики, она тулки тунда дала кезиб, ов қилар экан. Болалари учун гоҳо товуқ, гоҳо қўшоёқ, кўрсичқон каби майда сут эмизувчиларни тутиб, саҳар чоғи инига қайтар экан.

Орадан бир кун ўтиб овчилар керакли жойларга қопқонлар ўрнатишди. Икки қир ошгач эса сарғиш-малла, думи оқ она тулкига дуч келдилар. Унинг ини шу ерда эди. Шунда Носир амаки вақтни ғанимат билиб эгнидаги пахталигининг бир четини ёқиб, ин оғзини бекитди ва шамол эсаётган томонга ўтиб, ўқланган бешотарини шай қилиб турди.

Шу орада тулкичалар олдимиздан югуриб ўта бошлади. Шунда эътибордаги тулки ини эсдан чиқиб, уларни қувлашга тушдик. Бир неча сой, эгри-бугри жарлик ва қир-адирлардан ўтишга тўғри келди. Носир амаки орқада қолиб, тоғу тош оша теварак-атрофни зимдан кузатишга киришди.

Бирдан ўқ овози эшитилди. Тулкилар ер тишлай бошлади. Улар орасида қизғиш тусдаги якка тулки ҳам бор эди. Уларнинг ҳеч бири қочиб қутула олмади.

Навбатдаги ов куни тулкиларнинг бири тузоққа илинди. Қопқондаги тулки ҳар томонга сапчирди. Носир амаки уни тириклайин қопга жойлаб, фермага элтди.

**Абдулла САИДОВ**

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарор ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг 2012 йил 7 феврaль 37-сонли ва 31 март 166-қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги 23 (йигирма уч) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**

**1.** Пойабзал тузатиш устахонаси қуриш учун, Пахтакор шаҳри, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

**2.** Сартарошхона биноси қуриш учун, Пахтакор шаҳри, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

**3.** Кийим тикиш ва таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор шаҳри, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 48,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 424 сўм

**4.** Дорихона биноси қуриш учун, Пахтакор шаҳри, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 58,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 21 054 сўм.

**5.** Савдо шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Самарқанд ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -17 580 сўм.

**6.** Озиқ-овқат шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Самарқанд ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 580 сўм.

**7.** Сартарошхона қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 26,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 618 сўм.

**8.** Пойабзал тузатиш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 26,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 618 сўм.

**9.** Эҳтиёт қисмларни сотиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 032 сўм.

**10.** Электр қисмларини созлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7032 сўм.

**11.** Аккумуляторларни таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 032 сўм.

**12.** Автомобилларни ювиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 032 сўм.

**13.** Балонларни таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 032 сўм.

**14.** Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 52,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 15 236 сўм.

**15.** Автотеххизмат шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 288,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 84 384 сўм.

**16.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Оқ-булоқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 50,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -14 650 сўм.

**17.** Пойабзал таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 20,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 860 сўм.

**18.** Суратхона шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 30,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 790 сўм.

**19.** Автотеххизмат шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 48,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 064 сўм.

**20.** Пайнет шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 20,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 860 сўм.

**21.** Автотеххизмат шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 72,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 21 096 сўм.

**22.** Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Мингчинор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 580 сўм.

**23.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, А.Икромов ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 36,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -10 548 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 30 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 21 май куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 22 май куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 22 май куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2012 йил 22 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 6 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 5 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 июнь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 6 июнь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилояти филиали.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (8-372) 222-34-16, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR-0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари, талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиали ҳ/р: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (8-372) 222-34-16.

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарор ҳамда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг 2012 йил 14 апрелдаги 183-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги 5 (беш) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Иттифоқ маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 1,0 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 993 710 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Юқори Чирчиқ тумани, Наврўз ҚФЙ, Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,06 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 196 240 сўм.

**3.** Савдо дўкони қуриш учун, Юқори Чирчиқ тумани, Арғанчи ҚФЙ, Оқовул маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,01 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 32 706 сўм.

**4.** Қурилиш моллари савдо дўкони қуриш учун, Юқори Чирчиқ тумани, Барданкўл ҚФЙ, Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,03 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 556 сўм.

**5.** Гўзаллик салони қуриш учун, Юқори Чирчиқ тумани, Барданкўл ҚФЙ, Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,01 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 518 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Юқори Чирчиқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 6 (олти) ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 21 май куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 22 май куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 22 май куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2012 йил 22 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 7 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 6 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 7 июнь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 7 июнь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарор ҳамда Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимининг 2012 йил 28 мартдаги 371-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги 7 (етти) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**

**(Давоми 6-саҳифада)**

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

(Боши 5-саҳифада)

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент тумани, Чанги ҚФЙ, Чанги қишлоғи, Чўли қудуқ маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,04 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 159 749 сўм 40 тийин.

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент тумани, Сўқоқ ҚФЙ, Сўқоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,04 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 159 749 сўм 40 тийин.

**3.** Физиотерапия, массаж, терапия ва даволаш маскани қуриш учун, Паркент тумани, Ҳисорак ҚФЙ, Ҳисорак қишлоғи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,25 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 998 427 сўм 50 тийин.

**4.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент тумани, Паркент ҚФЙ, Гулбоғ маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,04 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 192 938 сўм 28 тийин.

**5.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент тумани, Паркент ҚФЙ, Гулбоғ маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,24 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 159 629 сўм 68 тийин.

**6.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент тумани, Паркент ҚФЙ, Гулбоғ маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,4 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 929 382 сўм 80 тийин.

Ушбу объектлар бўйича мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2 йил муддатда амалга оширилиши лозим.

**7.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, Паркент шаҳри, Обжувоз МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 0,02 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 96 469 сўм 14 тийин.

Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 1 йил 6 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Паркент тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришномa матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 18 май куни соат 18.00 да тўхтатилади. Буюртманомалар Паркент тумани хокимлиги вакили иштирокида савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Паркент тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 21 май куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 21 май куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2012 йил 21 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 8 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 7 июнь соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Паркент тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 8 июнь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 8 июнь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: (8-371) 228-79-52, 228-80-26, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия:** RR-0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ОАИТБ "Ipak Yo'li" Сағбон филиали ҳ/р: 20208000604920609001, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: (8-371) 228-79-52, 228-80-26.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ва "Чинор ЭНК" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида "Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг долзарб масалалари" мавзусида анжуман ўтказилди.**

Анжуманда бугуннинг долзарб экологик муаммолари, уларнинг олдини олиш йўллари, бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз борди. Шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларнинг тўпланиши каби асосий муаммолар, уларни ҳал қилишда ёшларнинг, жумладан, бўлажак ирригация ва сув соҳаси мутахассисларининг роли тўғрисида фикр алмашилди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ**

*МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!*

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИ ВА «АНДИЖОН-ПАХТА» ОАЖЛАРИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**1. Буюртмачи:** Андижон вилояти "Ягона Буюртмачи Хизмати" инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри А.Навоий кўчаси 45-уй. Тел.: 224-19-97)

**ЛОТ 1**

**Лот 1-1. Андижон шаҳридаги аэропортга олиб борувчи автомобиль йўли қурилиши;**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 3 872 381 290 сўм, (ҚҚС сиз) - 3 226 984 408 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 180 кун.

**Лот 1-2. Андижон шаҳридаги «Амир Темур» номли шоҳ кўчани ободонлаштириш;**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 3 919 561 900 сўм, (ҚҚС сиз) - 3 266 301 583 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 180 кун.

**Ишларни молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**2. Буюртмачи:** Бўз тумани Ободонлаштириш бўлими. (Андижон вилояти Бўз тумани А.Икромов кўчаси 34-уй. Тел.: (+99874) 333 19 55)

**ЛОТ 1**

**Лот 1-1. Бўз тумани М.Жалолов ҚФЙ, Наврўз МФЙ, Мингтол кўчасидаги 1 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 100.786.000 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**Лот 1-2. Бўз тумани Холдовонбек ҚФЙ, Холдовонбек МФЙ, Сарибой кўчасидаги 1,5 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 154.943.000 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**3. Буюртмачи:** Избоскан тумани Ободонлаштириш бошқармаси (Андижон вилояти Избоскан тумани Пойтуғ шаҳар Тўхтабоев кўчаси. Тел.: (+99874) 312 44 90)

**ЛОТ 1**

**Лот 1-1. Избоскан тумани Шерматобод ҚФЙ, Янги чек МФЙ, А.Икромов кўчасидаги 1,7 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 113.465.200 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**Лот 1-2. Избоскан тумани Т.Мамажонов МФЙ, Атлас Янги чек кўчасидаги 1,5 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 105.701.100 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**Лот 1-3. Избоскан тумани Ўртоқлар ҚФЙ, Жонобод МФЙ, Х.Долимов кўчасидаги 1,2 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 92.385.000 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**4. Буюртмачи:** Пахтаобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси (Андижон вилояти Пахтаобод тумани Муаззимбой кўчаси 46 уй. Тел.: (+99893) 417-71-97, (+99874) 250-29-74)

**Пахтаобод тумани Қоракўрғон МФЙ, Қоракўрғон кўчасидаги 2,042 км. ички йўлларни жорий таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) - 94.000.000 сўм;

**Ишларни тугаллаш муддати** - 2012 йил 1 август.

**Ишларни молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш обьектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 25% ни ташкил қилади, бошқа тенг шароитларда имконият кичик бизнес субъектларига берилади.

**5. Буюртмачи:** Олтинкўл тумани "Андижон-пахта" ОАЖ (Олтинкўл тумани Охунбобоев ҚФЙ Тел.: 8-374 354-53-36)

Олтинкўл тумани Маслаҳат ҚФЙ, Ижтимоият МФЙ ҳудудида меҳмонхона, чойхона, савдо ва маиший бинолар қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) – 1 344 000 010 сўм, (ҚҚС сиз) – 1 120 000 010 сўм.

**Ишларни бажариш муддати:** 2012 йил 1 сентябрь.

**Ишларни молиялаштириш:** ОАТБ «Агробанк» кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

**Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс: 226-72-02.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

# ҚИШЛОҚДА БИР КУН

**Яқинда қишлоққа борувдим. Кечки пайт отам "Эртага бозор тугагандан кейин Йилбоши бўлади, сен ҳам бор, ҳамма йиғилади", деди. "Қаерда бўлади, ўша катта булоқ бўйидами?", дея сўрадим...**



Эртаси куни тушдан кейин катта булоқ бўйидаги кенггина майдонга қишлоғимиз одамлари йиғилди. Жонлиқ сўйилиб, бир четда катта қозон осилди. Ошпаз ўша қадрдон Болли ака, қаватида Абдухалил бова самоварни тутатиб, чой қайнатяпти. Ёзилган дастурхон кўклам таомлари билан тўла. Даврада гурунг қизиган. Ҳамма шоду хуррам. Баҳор соғинчи одамларнинг шундоққина юз-кўзида акс этиб турибди. Бир маҳал маҳалла раиси даврага қараб:

— Ҳамқишлоқлар, энди тадбиримизни бошлайверсак ҳам бўлади, нима дейсизлар, — дея тўрда ўтирган ёши улуғ кексаларга қараб қўйди. Кексалар ҳам маъқул ишорасини қилди.

— Ҳадемай, ош ҳам пишади. Ош сузилгунча қишлоғимиз чўпонини, подачи ва миробини тайинлаб олишимиз керак, — дея маҳалла раиси гапида давом этди. Даврага бироз жимлик чўкди.

— Менимча, чўпонликка яна Кўзибойни сайлайверганимиз маъқул, — деди Содиқ бова. — Кўзибой мана неча йилдан бери қўйларимизни боқади, бировнинг ҳақига хиёнат қилганини кўрмаганмиз. Инсофли йигит, қўй-қўзининг тилини тушунади. Қолаверса, қаерда ўт мўллигини ҳам яхши билади.

Содиқ бованинг гапини ҳамма бирдек маъқуллади. Кўзибой чўпон ва унинг жияни Нишон бу йил ҳам қишлоғимиз қўйларини боқадиган бўлди. Ҳар бир қўй учун чўпон ҳақи белгиланди. Содиқ бованинг ёнида ўтирган Яхё бованинг таклифига кўра подачи этиб ҳар йилгидек Салим ака тайинланди. Норкувват ака эса, эрталаб пода қўшар маҳали ҳеч ким кечикмаслиги, молларни эрталаб салқинда қирга ҳайдаб ўтлатиш зарурлигини айтди. Навбат мироб тайинлашга келганда даврада ғала-ғовур бошланди. Кимдир уни, кимдир буни сайлаш ҳақида гапирарди. Ўтган йили мироблик қилган Қарши акага кўпчилик қарши бўлди, айримлар туриб норозилиги сабабини айтди. Қарши аканинг масъулиятсизлиги туфайли обиҳаёт тақчиллиги кузатилган ўтган йили сув ариқларда беҳуда оққан экан. Негаки, у томорқаларда экинларга обиҳаёт зарур бўлиб турган бир пайтда сувни тўғри тақсимламаган, ўғирланишига йўл қўйган, ариқ қулоқларидан сув сизиб ўтгани натижасида сувнинг шашти пасайган...

Қарши ака ҳамқишлоқларимизнинг эътирозларини ерга қараганча, жим эшитиб ўтирарди.

— Ўтган йили ёғин-сочин кам бўлди, — деди маҳалла раиси. — Булоқ суви ҳам кескин камайиб кетди. Шукрки, бу йил мана сувимиз яхши, ариқ тўлиб сув оқяпти. Энди, Қарши акага келсак, ўзи ҳам мана шу ерда ўтирибди, бу йил ўтган йилги хатоларини тузатади. Шунинг учун ҳам уни тайинлашимиз керак, тўғрими? — дея кексалар томонга қаради. Раиснинг гапи маъқулланди. Сўнг Қарши ака ҳам туриб, энди бундай пала-партишликларга йўл қўймаслигини айтди. Кенгашиб бўлингач, ниҳоят учора бир товоқдан ош сузилди. Даврада шодумонлик, ҳамжиҳатлик яққол сезилиб турарди. Уларга қараб хаёлимдан "содда, самимий қишлоғи одамларига, уларнинг аҳиллигига ҳеч қачон кўз тегмасин", деган ўй ўтди. Ош еб бўлингач, ёши улуғ бовалар дуо қилишди.

Уйга қўшнимиз Маҳмуд ака билан қайтдик. У йўл-йўлакай гурунг бериб келди: "Эй ука, қишлоғимиз одамлари, умуман, даштликлар баҳорда ёмғир ёғса қувонамиз, бировда ўнта, бировда йигирмата, ишқилиб ҳовлимизда мол-ҳол, қўй-қўзи бор. Уларнинг ризқи даштга, далаларга сочилган. Ёмғир яхши бўлса, даштда ўт кўп бўлади, қўй-қўзимиз семиради, сут-қатиқ мўл бўлади. Қиш серёғин бўлди, булоқда сув кўп. Буёғи томорқада бир қарич ҳам ерни бўш қолдирмай экин экяпмиз, ҳатто токзор қатор ораларига ҳам. Яқинда тарвуз-қовун, ошқовоқ уруғларини ивитиб қўйдим. Уларни ариқ ёқаларга, уватларга экаман. Мева-чевадан тортиб, картошка-пиёз, қовун-тарвузгача ўзингдан чиққанига нима етсин. Бозордан сотиб олмайсан, қайтанга, ортганини сотасан.

— Уйда неча бош сигирингиз бор? — сўрадим қўшнимиздан.

— Битта соғин сигир бор, қолгани тана-тўпли, — жавоб берди у. — Сигирим яхши сут беради. Сут-қатиғи рўзғорга бемалол етиб, ортадиям...

Маҳмуд аканинг гапларидан дилим яйради. Ҳалол меҳнати, тадбиркорлиги туфайли дастурхони тўкин-сочин, рўзғорида қутбарака бор бу одамга ҳавасим келди. Унинг оиласи қишлоғимиздаги мустаҳкам оилалардан бири эканлигини англадим.

**Раимқул СУЯРОВ**




(23 апрель — 29 апрель)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**

Жаҳлга эрк бериш яхшиликка олиб келмайди. Моддий аҳволингизни мустаҳкамлаб олиш учун қулай имкониятлар юзага келади. Бундай ҳолатларда фаоллик ва кескин қарорлар қабул қилиш жуда муҳим.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**

Ўзингизни барча юмушларни бажара оладигандек қудратли ҳис қиласиз. Аммо керагидан ортиқча чираниш оқибатида фақатгина ўзингизга жабр қилишингиз мумкин. Борига шукр қилган муродга етади.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**

Соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг. Ҳафта якунида муҳим ишларни белгилагандан кўра, мириқиб ҳордиқ чиқариш, мусиқа тинглаш зиён қилмайди. Эрталабки бадантарбия машқларини канда қилманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**

Бир вақтнинг ўзида бир қанча фойдали харидларни қилишингиз, омадли шартномаларни имзолашингиз мумкин. Бу эса сиз учун кутилмаган совға бўлади. Аммо бу муваффақиятлардан ҳаволаниб кетманг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**

Имкониятларингизни синовдан ўтказадиган кунлар яқинлашмоқда. Ижодкорлар учун ички сезгига қулоқ солиш жуда муҳим. Ҳафтани дўстлар даврасида — байрамона кайфиятда ўтказасиз. Бу эса сизга янада куч-қувват бахш этади.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**

Янги ҳамкорлар топиш мақсадида изланаётганлар ниятларига эришадилар. Табиат қўйнида дам олишга чиқсангиз, чарчоқларингиз анча ёзилади. Лекин тежамкор бўлишни ҳам унутманг. Дўстларингизнинг маслаҳатига қулоқ тутинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**

Босиқлик ва мулоҳаза билан қарорлар қабул қилишингизга тўғри келади. Ўйламасдан қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг оқибати салбий бўлади. Бирор муносабат ўрнатаётганингизда масаланинг барча жиҳатларига жиддий эътибор қаратинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**

Ишонса бўладиган ҳамкорлар сизга ўзларининг фойдали таклифлари билан мурожаат қилишади. Дангасалик қилмасдан отни қамчиланг. Айни вақтда соғлиғингизга ҳам беэътибор бўлмасдан, шифокорлар маслаҳатига қулоқ тутинг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**

Ишга бўлган чанқоқлигингиз бир неча баробарга ортиши мумкин. Яқинларингиз кўмагингизга муҳтож бўлган бир пайтда, улардан ёрдамингизни аяманг. Керагидан ортиқча шошма-шошарлик сизни кўзлаган мақсадларингиздан чалғитиши мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**

Дам олиш кунлари яхшилаб ҳордиқ чиқаринг. Бирор жойга сафарга отлансангиз ҳам бўлади. Чунки яқин кунларда сизни масъулиятли ишлар кутмоқда. Муҳим қарорлар қабул қилаётганингизда яқин дўстларингиз билан маслаҳатлашинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**

Кундалик юмушлар сизни ўз домига тортаётгандек туюлади. Аммо буларга асло парво қилманг. Ҳафтани хушчақчақлик ва яхши кайфиятда ўтказишга ҳаракат қилинг. Ноқулай вазиятларга тушиб қолмаслик учун ҳуда-беҳудага асабийлашаверманг.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**

Ўзингизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиққандек ҳис қиласиз. Лекин бундай ўткинчи ҳолатлар учун қайғурманг. Чунки сизни доимо қўллаб-қувватлаб турадиган дўстларингиз бор. Уй юмушлари билан шуғулланишга ҳам вақт ажрата билинг.


## БАЛИҚ УЧУН СИФАТЛИ ОМИХТА ЕМ!



«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тасарруфидаги «Навоийдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти

балиқчилик хўжаликларида парвариш қилинаётган балиқлар учун бир килограмми 848 сўмдан омихта ем маҳсулотини таклиф қилади. Балиқлар учун омихта ем маҳсулотини чекланмаган миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш ёки очиқ биржа савдолари орқали сотиб олиш мумкин. Харидлар пул ўтказиш, банк пластик карточкалари ҳамда нақд пул орқали 100 фоиз олдиндан тўлов йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:
Навоий шаҳри "Спутник" қўрғони-3,
"Навоийдонмаҳсулотлари" ОАЖ.

Факс: 8 (436) 226-44-65.
Тел: 8 (436) 226-44-76.
E-mail: navoidon@mail.ru


Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
23031 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4